

## ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Муродхўжаева Насибаҳон Ҳусан қизи*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

*“Давлат молиявий назорати ва аудити” магистратура тингловчиси.*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикасида Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тадқиқот ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси худудида Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтишнинг афзалликлари ўрганиб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС), иқтисодий ўсиш, хорижий инвестициялар, молиявий ҳисбот.

**Аннотация:** В данной статье проведено исследование мер, реализуемых в Республике Узбекистан по переходу на международные стандарты финансовой отчетности, а также изучены преимущества перехода на международные стандарты финансовой отчетности на территории Республики Узбекистана.

**Ключевые слова:** Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), экономический рост, иностранные инвестиции, финансовой отчет.

**Abstract:** This article examines the measures implemented in the Republic of Uzbekistan for the transition to international financial reporting standards, and also outlines the advantages of transitioning to international financial reporting standards in the territory of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** International Financial Reporting Standards (IFRS), Economic growth, foreign investments, financial report.

### Кириш

Ўзбекистон Республикасида сўнгти йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва инвесторларнинг ишончини ошириш, шунингдек молиявий бозорни ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва Аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва инвесторларга шаффофт ва тушунарли аудиторлик хулосасини тақдим қилиш орқали мамлакатимиз инвестиция жозибадорлигини ошириш мумкин. Шу мақсадда, Республикаизда “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Президент қарори қабул қилинди.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS) - бу компанияларнинг молиявий ҳисботлари учун бухгалтерия ҳисоби қоидалари тўплами бўлиб,

уларни бутун дунё бўйлаб изчил, шаффоф ва осон таққосланадиган қилиш учун мўлжалланган. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS), Халқаро бухгалтерия стандартлари Кенгаши (IASB) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Жаҳонда қарийб 146 та мамлакат томонидан ушбу стандартлар тан олинган. Шу боис, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS) бўйича молиявий ҳисботларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим ўринга эга.

Ўзбекистон Республикасида Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтишдан мақсад хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро капитал ва молия бозорларига кириш имкониятларини ошириш билан бирга, ташкилотнинг молиявий фаолияти ва ҳолати ҳақида тўғри, ишончли ҳамда шаффоф маълумот берилишини таъминлашдан иборатdir. Таъкидлаш жоизки, ПҚ-4611-сонли Президент қарорига мувофиқ, молиявий ҳисботларни МХХСга кўра тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисботлар тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

### **Асосий қисм**

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS) бўйича молиявий ҳисботларни тайёрлашнинг тўртта асосий принципини талаб қиласи: аниқлик, долзарблик, ишончлилик ва таққослаш.

**Аниқлик** шуни англатадики, молиявий ҳисботларни ўқиши ва тушуниш осон бўлиши керак.

**Долзарблик** бу бухгалтерия ҳисоби принципи бўлиб, унда молиявий маълумотлар ташқи истеъмолчилар учун фойдали бўлиши учун у умумий бухгалтерия фирмалари ва компанияларига тегишли бўлиши керак.

**Ишончлилик** принципи молиявий ҳисботдаги барча операциялар, ҳодисалар ва ишбилармонлик фаолияти ишончли бўлишини таъминлайди. Баъзи ишончли маълумотларни объектив фактлар асосида ўрганиш, текшириш ва қайта кўриб чиқиш мумкин.

**Таққослаш** принципи молиявий ҳисботларнинг таққосланиши уларнинг фойдалиигини оширадиган хусусиятлардан биридир. Таққослаш фойдаланувчиларга вақт ўтиши билан компаниянинг молиявий кўрсаткичлари ва мавқенини таққослаш имконини беради.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS) жами 41 та стандартдан иборат бўлиб, молиявий ҳисбот ушбу стандартлар асосида юритилади. Бундан ташқари, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг бухгалтерия ҳисоби стандартлари жами 17 та стандартлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мақсадида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва тегишли равища тушунтиришлар

матнини тан олиш бўйича норматив-хукуқий Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (IFRS) давлат тилига таржима қилинган бўлиб, у молиявий ҳисботнинг концептуал асоси (Conceptual Framework for Financial Reporting), 16 молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS), 25 бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS), 15 молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари шарҳлар қўмитасининг шарҳлари (IFRIC Interpretations) ҳамда 5 шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳларидан (SIC Interpretations) иборатdir.

Молиявий ҳисботнинг концептуал асослари қўйидагилар ҳақида ҳаққоний ахборот тақдим этилишини таъминлайди:

- молиявий ҳолати ҳақида
- молиявий натижалар ҳақида
- Бошқарув ҳақидаги қарор қабул қилиш мақсадида барча фойдали ахборотни тақдим этиш, шаффофликни таъминлаш.

Таъкидлаш лозимки, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларидан (IFRS) Бухгалтерия ҳисботининг миллий стадартлари кескин фарқ қиласди. Мисол учун, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг асосий тамойили бу иқтисодий мазмуннинг хукуқий шаклдан устунлигидадир ҳамда бухгалтернинг профессионал фикри кўп ҳолларда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида операцияларни хужжатлаштиришга катта эътибор берилади. Шунингдек, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ҳисботи инвесторлар томонидан инвестицион қарорлар қабул қилиш учун ишлатилади. Бухгалтерия ҳисботининг миллий стандартлари эса солиқ ва тартибга солувчи органларни ахборот билан таъминлаш учун мўлжалланган.

МХХС Барқарорлик стандартлари Халқаро Барқарорлик стандартлари Кенгashi (ISSB) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу кенгаш Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари фонди доирасида мустақил стандартлар ўрнатувчи органи ҳисобланади.

Инвесторларнинг ахборот эҳтиёжларини қондирадиган қарорлар қабул қилишда фойдали бўлган, глобал миқёсда таққосланадиган барқарорлик билан боғлиқ маълумотларни олишлари учун инвестор ва компаниялар ўртасида мулоқотни яхшилашга мўлжалланган МХХС Барқарорлик стандартларини (IFRS Sustainability Standards) жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий Ҳисботнинг халқаро стандартларининг бир қанча афзаликлари мавжуд бўлиб улар қўйидагилардан иборат:

- Хорижий инвестицияларни жалб қилиш
- Самарали иқтисодий ўсишни таъминлаш
- Хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш

## International Conference on Education and Innovation

- Молиявий ҳисоботларнинг шаффоғлигини таъминлаш
- Ўзбекистондаги компанияларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш.
- Молиявий таҳлилчилар учун аниқ прогнозлар қила олиш имконияти
- Акциядорлар ва раҳбарлар учун ўз бизнесига ҳолис назар ташлаш, корхонадаги ҳақиқий аҳволни баҳолаш учун имконият бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг муҳим воситаларидан бирига айланиши мумкин.

Юқоридаги барча афзалликларни ҳисобга олган ҳолда, Республикада 2024-йил 1 январдан бошлаб барча бюджет ташкилотлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказилиб, молиявий ҳисоботларнинг барчаси ушбу стандартлар асосида тайёрланиши белгиланди. Бундан мақсад, бюджет ташкилотларидаги молиявий ҳисоботларнинг аниқлилик даражасини оширишдан иборатdir. МХҲС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботларда бюджет ташкилотларининг барча харажатлари яққол аниқ кўриниши мумкин. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга самарали жорий этиш мақсадида кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб ўтилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан барча бюджет ташкилотлари бухгалтерлари учун МХҲС бўйича ўқув тренинглар ташкил этилиб янги таҳрирдаги қарор билан таништириб ўтилди. Бу ўз навбатида, бюджет ташкилотлари бухгалтерлари учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан амалиётда тўғри фойдаланиш учун катта ҳисса қўшмоқда.

### **Хуроса**

Хуроса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш асосан хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳамда молиявий ҳисоботларни аниқлилик даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб, ўз самарасини бермоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон. 2020 йил 24 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида. 2022 йил 9 декабр.

3. С. Тащназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўкув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент:, 2018. – 555 б.
4. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 227 б.

